



ТАСДИҚЛАЙМАН

Сирдарё вилояти ҳокими
ўринбосари

О. Мавлонбердиев

2026 йил

Сирдарё вилояти, Сирдарё туманида Давлат-хусусий шериклик асосида
“Турон Билим Юрти” нодавлат умумтаълим муассасасини ташкил этиш ва бошқариш
лойиҳасининг концепцияси

I. Лойиҳанинг тавсифи

Лойиҳанинг номи:	Сирдарё вилояти, Сирдарё туманида Давлат-хусусий шериклик асосида “Турон Билим Юрти” нодавлат умумтаълим муассасасини ташкил этиш ва бошқариш
Тармоқ номи:	Ижтимоий соҳа, Таълим
Лойиҳа тури:	Лойиҳалаштириш, молиялаштириш, капитал таъмирлаш, хизмат кўрсатиш, фойдаланиш ва қайтариш
Хусусий шерик томонидан бажариладиган иш ҳажми	Молиялаштириш, зарур бино-иншоотларни реконструкция ва капитал таъмирлаш, жиҳозлаш, таълим ва қўшимча спорт хизматларини ташкил этиш, эксплуатация, сақлаш, бошқариш ва битим муддати якунида белгиланган тартибда қайтариш
Давлат шеригининг номи:	Сирдарё вилояти ҳокимлиги
Масъул вазирлик ёки ижро этувчи орган:	Сирдарё вилояти ҳокимлиги
Лойиҳа амалга ошириладиган жой (вилоят, туман, шаҳар):	Сирдарё вилояти, Сирдарё тумани, Тадбиркор МФЙ, Намуна кўчаси, 38-уй

II. Дастлабки танлов натижалари

ДХШ лойиҳасининг дастлабки танлови натижалари ҳақидаги батафсил маълумот ва тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этинг.

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 10 майдаги ЎРҚ-537-сон «Давлат-хусусий шериклик тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 30 октябрдаги 720-сон «Давлат-хусусий шериклик соҳасини янада такомиллаштириш ҳамда комплекс тизимлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 31 январдаги ПҚ-49-сон «Нодавлат умумий ўрта таълим ташкилотлари тармоғини кенгайтириш ва ушбу жараёнга тадбиркорлик субъектларини жалб қилиш имкониятларини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида мазкур давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга ошириш назарда тутилган.

Мазкур лойиҳа таълим инфратузилмасини ривожлантириш, давлат мулкидаги мавжуд бино ва иншоотлардан самарали фойдаланиш, замонавий ва сифатли таълим хизматларини ташкил этиш, янги ўқувчи ўринларини яратиш ҳамда таълим соҳасига хусусий сектор инвестицияларини жалб қилишга қаратилган.

ДХШ лойиҳасини амалга ошириш учун хусусий ташаббускор – «Turon Bilim Yurti» нодавлат таълим муассасаси томонидан мавжуд бино ва иншоотларни реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш, зарур мебель, ўқув жиҳозлари, лабораториялар, ахборот-коммуникация технологиялари, спорт ва бошқа инфратузилмалар билан жиҳозлаш ҳамда замонавий нодавлат умумий ўрта таълим муассасаси фаолиятини йўлга қўйиш режалаштирилган.

Лойиҳа доирасида 300 нафар ўқувчига мўлжалланган замонавий таълим муассасасини ташкил этиш, ўқувчилар учун сифатли ва қулай таълим муҳитини яратиш, моддий-техник базани мустаҳкамлаш, қўшимча таълим ва спорт хизматларини ташкил этиш, шунингдек, ижтимоий ҳимояга мухтож ўқувчилар учун имтиёзли таълим имкониятларини яратиш назарда тутилган.

Ташаббус қилинаётган лойиҳани амалга ошириш учун хусусий ташаббускорнинг молиявий ресурслари ва таълим соҳасидаги тажрибаси мавжудлиги, лойиҳанинг ижтимоий аҳамияти ҳамда давлат бюджетига қўшимча капитал юklamани камайитириш имкониятини инобатга олган ҳолда, мазкур лойиҳани давлат-хусусий шериклик асосида амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб ҳисобланади.

III. ДХШ лойиҳасининг молиявий-иқтисодий кўрсаткичлари

	Қўшимча маълумотлар
1.	Лойиҳани баҳолаш ҳужжатлари тайёрланганми?: Ҳа ☒ Йўқ ☐ Агар “Ҳа” жавобини белгилаган бўлсангиз, тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этинг. Лойиҳани баҳолаш ҳужжати илова қилинади
2.	Лойиҳанинг қуйидагилардан бирига ёки бир нечасига киритилганлигини кўрсатинг: Инвестиция дастури ☐ Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони ёки қарори ☐ Вазирлар Маҳкамаси қарори ☐ Бошқа ☐ Батафсил маълумотлар ҳамда тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этинг: Лойиҳа хусусий ташаббус қилинмоқда
3.	Лойиҳа иқлим ўзгариши бўйича ҳукумат томонидан белгиланган мақсадлар ёки стратегияларга эришишга ҳисса қўшадими? Ҳа ☒ Йўқ ☐ Лойиҳада тегишли ҳудуд атроф-муҳит муҳофазаси таъминланади
4.	Лойиҳа Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг барқарор ривожланиш соҳасидаги қайси мақсадларига қаратилган? 4-мақсад – Сифатли таълим;
5.	Ушбу лойиҳа давлат харидлари жараёни доирасида амалга ошириш учун бюджет томонидан қўллаб-қувватлаш мақсадида Иқтисодиёт ва молия вазирлигига тақдим этилганми? Ҳа ☐ Йўқ ☒
6.	Хусусий шерикнинг лойиҳани амалга ошириш ва кўрсатилган хизматлар учун ҳақ олишга рухсат берувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш учун зарурати борми? Ҳа ☐ Йўқ ☒ Агар “Ҳа” жавобини белгилаган бўлсангиз, тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этинг.
7.	Хусусий шерикнинг лойиҳа доирасида кўрсатадиган якуний хизматларини тасвирлаб беринг: Лойиҳа доирасида хусусий шерик:

	- 17 та бино-иншоотдан зарур қисмини қамраб олган ҳолда, умумий фойдаланиш майдони 6 466,8 кв.м бўлган объектларни реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш; - лойиҳага ўз маблағлари ҳисобидан жами 3,0 млрд сўм инвестиция киритиш; - 300 нафар ўқувчига мўлжалланган замонавий нодавлат умумий ўрта таълим муассасаси фаолиятини ташкил этиш; - шундан 240 нафар ўқувчига пуллик, 60 нафар ўқувчига (20%) имтиёзли/бепул таълим хизматларини кўрсатиш; - синф хоналари, STEM ва фан лабораториялари, АКТ инфратузилмаси, кутубхона, ошхона, тиббиёт хонаси, спорт ва фаоллар залларини жиҳозлаш; - камондан отиш, чавандозлик, сузиш, бокс, таэквондо, футбол, шахмат ва қўл жанги - бўйича 8 турдаги қўшимча спорт хизматларини ташкил этиш; - объектни сақлаш, эксплуатация қилиш, хавфсизлигини таъминлаш ва самарали бошқариш.		
8.	а) Лойиҳанинг қиймати: 3 065,0 млн.сўм (253,81 минг АҚШ доллари)	б) Лойиҳа давридаги эксплуатация харажатлари микдори: 144 449,0 млн.сўм (11 961,7 минг АҚШ доллари)	в) Умумий харажатлар: 147 514,0 млн.сўм (12 215,5 минг АҚШ доллари)
Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 13.07.2026 йилдаги расмий курси бўйича 1 АҚШ доллари 12 076 сўм			
г) ДХШ битимининг амал қилиш муддати: 30 йил 3-10 ☐ 11-20 ☒ 21-30 ☐ >30		д) Лойиҳани амалга ошириш муддати: 4 ой ☒ <10 10-30 ☐ >30	
9.	а). Лойиҳанинг даромад манбасини кўрсатинг: Фойдаланганлик учун тўлов ☒ Эркин фойдаланиш учун тўлов ☐ (қўшимча хизматлар давлат шериги билан битимда келишилади)		
	б). Йиллик тахминий фойдаланганлик учун тўлов ёки эркин фойдаланиш учун тўловни кўрсатинг (АҚШ долларида): Базавий тарифлар ва тушумлар: – ойлик таълим тўлови – 1 200 000 сўм, йилига 9 ой; – бир марталик кириш бадали – 3 000 000 сўм; – спорт тўғараги – 250 000 сўм/ой/тўғарак; – тўлиқ қувватда 300 нафар ўқувчи, шундан 80 фоиз (240 нафар) тўловли ва 20 фоиз (60 нафар) имтиёзли/бепул. Молиявий моделга кўра 2026-2027 ўқув йилида соф тушум 2 786,0 млн сўм, 100% қувватга чиқилган даврда йиллик тушум тахминан 2 973,0 млн сўмдан бошланади ва индексацияга мувофиқ ўсади. Даромадлар тақсимотини кўрсатинг: Давлат мулкидан фойдаланганлик учун тўлов ☐ Қўшимча фойда тақсимоти ☐ Даромадни давлат шериги билан тақсимлаш назарда тутилмаган; ижтимоий мажбурият 20% имтиёзли контингент орқали таъминланади.		
	в). ДХШ лойиҳасининг ташаббускорини белгиланг: Давлат ташаббускори ☐ Хусусий ташаббускор ☒		

	г).	Давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим муваффақиятли расмийлаштирилганлиги учун тендер ғолибидан ёки тўғридан-тўғри музокаралар иштирокчисидан Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган миқдорда бир марталик тўлов Лойиҳанинг умумий қиймати бир миллион АҚШ доллардан кам бўлганлиги учун бир марталик тўлов мавжуд эмас.				
10.		Хусусий ва давлат шериги ўртасидаги хатарларни тақсимлашда, таклиф килинган ўзгаришларни белгиланг.				
	Хавф ёки хатарлар турлари	Давлат шериги	Умумий	Хусусий шерик	Хатар тақсимоти асоси	Изоҳ
	Лойиҳа ҳужжатини ишлаб чиқиш билан боғлиқ хатарлар			•		
	Дизайн ва технологияларнинг эскириш хавфи			•		
	Яширин нуксон хавфи			•		
	Ер ажратиш ва кўчириш билан боғлиқ бўлган хатарлар	•				
	Молиявий хатарлар			•		
	Қурилиш билан боғлиқ бўлган хатар (аниқ бўлмаган)	•				
	Қурилиш билан боғлиқ бўлган хатар (аниқ бўлган)			•		
	Ишга тушириш билан боғлиқ бўлган хатарлар			•		
	ДХШ тўғрисидаги битим тузилганидан кейин лойиҳага киритиладиган ўзгаришлар (давлат шериги тарафидан)	•				
	ДХШ тўғрисидаги битим тузилганидан кейин лойиҳага киритиладиган ўзгаришлар (хусусий шерик тарафидан)			•		
	Лойиҳанинг суғуртасига оид хатарлар			•		
	Солиқ билан боғлиқ хатарлар			•		

	Тарифларнинг ўзгаришига боғлиқ бўлган хатарлар			•		
	Қонунчиликдаги ўзгаришларнинг лойиҳага салбий таъсири хатарлари	•				
	Лицензия, рухсатномалар кечикиши ёки берилмаслиги хатарлари	•				
	Сиёсий беқарорлик хатарлари	•				
	Таъмирлаш ва реконструкцияга оид хатарлар			•		
	Мулкни реквизиция қилиш	•				
	Операцион хатарлар			•		
	Экологик/ижтимоий хатар (эксплуатация билан боғлиқ)			•		
	Оператив фаолият билан боғлиқ бўлган хатарлар			•		
	Талаб билан боғлиқ бўлган хатарлар			•		
	Самарадорлик кўрсаткичларини бажариш билан боғлиқ хатарлар			•		
	Бошқалар		•			
11.	Агар хусусий шерик кўрсатилган бўлса, қуйидаги маълумотларни тақдим этинг. а) хусусий ташаббускор номи (агар юридик шахслар бирлашмаси бўлса, етакчи иштирокчининг номи): “TURON BILIM YURTI” нодавлат таълим муассасаси. б) компания рўйхатдан ўтган давлат номи: Ўзбекистон Республикаси в) акциядорлар ва компания эгалари (5 фоиз дан кўп улушга эга): SHOSAIDOVA HILOLA BAXTIYOR QIZI — 100%. г) боғланиш учун маълумот: Сирдарё вилояти, Гулистон шаҳри, Бўстон МФЙ, 4-мавзе, 5-А уй. Телефон: +998 97 568 27 17. Электрон почта: hilola@umail.uz д) бизнеснинг қисқача мазмуни: Нодавлат таълим хизматларини кўрсатиш, техник ва профессионал ўрта таълим соҳасида фаолият юритиш, таълим муассасаларини ташкил этиш ва бошқариш е) худди шу соҳада шунга ўхшаш лойиҳаларни амалга ошириш бўйича тажриба: Инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш, инвестиция жалб қилиш, лойиҳаларни бошқариш.					

	ё) сўнгги уч молиявий йил учун жами активлар, жами мажбуриятлар ва соф фойда (минг сўм): Хусусий ташаббускор “TURON BILIM YURTI” нодавлат таълим муассасаси 2025 йил 8 сентябрда давлат рўйхатидан ўтказилганлиги сабабли, 2023–2024 йиллар учун молиявий ҳисоботлар мавжуд эмас. 2025 йил якунлари бўйича тақдим этилган молиявий ҳисоботларга мувофиқ, ташкилотнинг жами активлари, жами мажбуриятлари ва соф фойдаси (зарари) — 0,0 минг сўмни ташкил этган. з) компанияни қайта ташкил этиш, тугатиш ва (ёки) банкротлик босқичида эмаслигини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этиш: Илова қилинади			
12.	Ҳар бир босқич учун тахминий/ режалаштирилган санани кўрсатиш:			
		Сана		Сана
	а) <u>ДХШ лойиҳасининг концепциясини тасдиқлаш</u>	2026 йил III чорақ	д) <u>Музокаралар ва ДХШ тўғрисидаги битимни имзолаш</u>	2026 йил III чорақ
	б) <u>Лойиҳа олди ҳужжатларни ишлаб чиқиш (масалан: тендер ҳужжатлари)</u>	2026 йил III чорақ	е) <u>Махсус лойиҳа компаниясини (SPV) ташкил этиш.</u>	Заруратга кўра
	в) <u>Дастлабки малакани аниқлаш (агар қўллаш мумкин бўлса, малакани аниқлаш талабномаси асосида – Request for Qualification, RFQ)</u>	2026 йил III чорақ	ё) <u>Молиявий якунлаш</u>	<u>Битим имзолангандан сўнг</u>
	г) <u>Ғолибни саралаш (Таклифларни топшириш талабномаси – Request for Proposals, RFP)</u>	2026 йил III чорақ		
13.	Жорий ҳолатда аҳолидан ва/ёки давлат бюджетидан мазкур хизматга ажратиладиган ялпи маблағ: бюджет маблағи кўзда тутилмаган			
14.	Ушбу лойиҳа давлат тарафидан амалга оширилганда, бюджетдан ажратилиши кутилган тахминий маблағ (бунга капитал харажатлари ва бошқарув харажатлари киради) Давлат бюджети маблағларидан 3 млрд сўм инвестиция маблағлари ажратилган бўлар эди.			
15.	Лойиҳани давлат томонидан эмас, балки ДХШ механизми орқали амалга оширишнинг афзалликларини асослаб беринг: – 3,0 млрд сўмлик бошланғич инвестиция ва 65,0 млн сўм айланма маблағ хусусий шерик томонидан таъминланади; – давлат бюджетига бошланғич капитал харажатлар бўйича қўшимча юк камаяди; – реконструкция, жиҳозлаш, эксплуатация ва талаб хатари асосан хусусий шерикка ўтказилади; – 20% имтиёзли/бепул ўқувчилар учун ижтимоий мажбурият таъминланади; – объектдан узоқ муддатли самарали фойдаланиш, замонавий бошқарув ва хизмат сифатига эришилади.			
16.	Ташаббус кўрсатилган лойиҳа иқтисодий, ижтимоий ва инфратузилмавий вазифаларни/муаммоларни ҳал этишга қаратилганми? Ҳа ☒ Йўқ ☐ Агар “Ҳа” жавобини белгилаган бўлсангиз, фикрингизни батафсил асослаб беринг: Иқтисодий самара: – хусусий сектор томонидан 3,0 млрд сўм инвестиция киритилиши ва объектни сақлаш ҳамда эксплуатация қилиш харажатларининг хусусий шерик зиммасига олинаши; – тахминан 40 та бошланғич иш ўрни яратилиши;			

	– таълим ва қўшимча хизматлар соҳасида маҳаллий иқтисодий фаолликнинг ошиши. Ижтимоий самара: – 300 нафар ўқувчи учун замонавий умумий ўрта таълим имконияти яратилиши; – умумий контингентнинг 20 фоизини, яъни тўлиқ кувватда 60 нафаргача ўқувчини имтиёзли/бепул ўқитиш; – STEM, АКТ, фан лабораториялари ва 8 йўналишдаги спорт тўғараклари орқали таълим ва тарбия имкониятларини кенгайтириш. Инфратузилмавий ва институционал самара: – 17 та бино-иншоотдан лойиҳа учун зарур қисмларни реконструкция қилиш ва замонавий жиҳозлаш; – хавфсизлик, видеокузатув, ёнгиндан ҳимоя ва рақамли бошқарув ечимларини жорий этиш; – 30 йиллик даврда объектни сақлаш ва самарали эксплуатация қилиш.
17.	Таклиф этилаётган лойиҳалар бўйича фаолият давлат органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси томонидан ваколат берилган юридик шахслар ёки уларнинг бирлашмалари томонидан амалга ошириладими? Ҳа ☒ Йўқ ☐ Давлат шериги – Сирдарё вилояти ҳокимлиги
18.	Таклиф этилаётган лойиҳа бўйича тақдим этиладиган товарлар (ишлар, хизматлар) сифати ва (ёки) қамраб олиш даражасининг амалдаги кўрсаткичларга нисбатан юқори ва (ёки) инновацион ёндашувни ўз ичига оладими? Ҳа ☒ Йўқ ☐ STEM ва фан лабораториялари, АКТ инфратузилмаси, замонавий синф жиҳозлари, электрон ҳисоб ва бошқарув, видеокузатув ва хавфсизлик тизимлари жорий этилади.
19.	ДХШ объектига бўлган мулк ҳуқуқи давлат шеригига тегишлими? Ҳа ☒ Йўқ ☐ Сирдарё вилояти ҳокимлигига тегишли
20.	Лойиҳа учун хусусий сектор томонидан сармоя ва/ёки тажриба жалб қилиняптими? Ҳа ☒ Йўқ ☐ Лойиҳани амалга ошириш учун хусусий шерик томонидан 3 065,0 млн. сўм миқдорида инвестиция киритилади ва илғор тажрибали мутахассислар жалб қилинади.
21.	Таклиф этилаётган лойиҳа хорижий ёки маҳаллий тажрибага асосланадими? Ҳа ☒ Йўқ ☐ Агар “Ҳа” жавобини белгиланган бўлсангиз, фикрингизни батафсил асослаб беринг: Лойиҳа маҳаллий нодавлат таълим муассасаларини ташкил этиш ва бошқариш амалиёти, замонавий STEM/АКТ ёндашувлари ҳамда хусусий сектор бошқарув тажрибасига асосланади. Илғор тажрибали мутахассислар, ўқитувчи-мураббийлар жалб қилинади.
22.	Ташаббус кўрсатилган лойиҳа доирасида илғор бошқарув тажрибасини жорий этиш назарда тутилганми? Ҳа ☒ Йўқ ☐ Электрон ҳисоб, таълим жараёни мониторинги, хавфсизлик назорати, молиявий ҳисобдорлик ва хизмат сифатини бошқариш ечимлари жорий этилади.
23.	Ташаббус кўрсатилган лойиҳа томонлар учун макбул бўлган мутаносиб фойдани таъминлаб бера оладими? Ҳа ☒ Йўқ ☐ Дастлабки ҳисоб китобларга кўра: лойиҳа оддий қопланиш муддати 7.4 йилга, дисконтланган қопланиш муддати 18.5 йилга тенг.

24.	Лойиҳани амалга ошириш учун ер участкасига зарурат борми? Ҳа ☒ Йўқ ☐ Лойиҳа учун Сирдарё вилояти, Сирдарё тумани, Тадбиркор МФЙ, Намуна кўчаси, 38-уйда жойлашган 28 331,0 кв.м ер участкаси ва 17 та бино-иншоотдан иборат давлат мулки объекти ДХШ битими доирасида фойдаланишга берилади. Бино-иншоотларнинг умумий қурилиш майдони 8 378,19 кв.м, умумий фойдаланиш майдони 6 466,80 кв.м. Лойиҳа дастлаб энг зарур қисмларни қамраб олади.										
25.	а) Лойиҳани амалга ошириш натижасида ижтимоий муаммолар келиб чиқиш эҳтимоли мавжудми? Ҳа ☐ Йўқ ☒ б) Лойиҳани амалга ошириш натижасида экологик муаммолар вужудга келиш эҳтимоли мавжудми? Ҳа ☐ Йўқ ☒										
26.	Давлат шериги томонидан (ДХШ лойиҳаси доирасидан ташқари) амалга оширилиши зарур бўлган қўшимча иш ҳажмларини кўрсатинг: Сув таъминоти объектларини қуриш ☐ Газ таъминоти объектларини қуриш ☐ Электр таъминоти қурилмаларига улаш ☐ кириш йўллари ☐ Транспорт боғланиши ☐ Агар Сиз бирон бир катакчани белгилаган бўлсангиз, илтимос, талаб қилинадиган иш ҳажми ҳақида қўшимча маълумот беринг										
27.	Манфаатдор томонларни санаб ўтинг: Сирдарё вилояти ҳокимлиги, “TURON BILIM YURTI” НТМ, ўқувчилар, ота-оналар, маҳаллий аҳоли.										
28.	Ҳолиб бўлган иштирокчи ДХШ шартномасини муваффақиятли тузилганлиги учун Иқтисодиёт ва молия вазирлигига тўлайдиган бир марталик комиссия миқдорини кўрсатинг: Лойиҳа қиймати учун бир марталик комиссия миқдори қўлланилмайди										
29.	Давлат шериги томонидан лойиҳани амалга ошириш учун масъул этиб тайинланган шахс ҳақидаги маълумотларни тақдим этинг. Агарда имкони бўлса, лойиҳани амалга ошириш гуруҳи ҳамда ДХШ лойиҳаси менежери, гуруҳ аъзоларининг лавозими ва мажбуриятлари ҳақидаги маълумотларни ҳам тақдим этинг. <table border="1"> <tr> <td colspan="2">Масъул этиб тайинланган шахс</td> </tr> <tr> <td>Ф.И.О.:</td> <td>Холмуродова Ирода Абдурасуловна</td> </tr> <tr> <td>Лавозими:</td> <td>Ижрочи директор</td> </tr> <tr> <td>Тел.:</td> <td>99-919-05-86</td> </tr> <tr> <td>Электрон почта манзили:</td> <td></td> </tr> </table>	Масъул этиб тайинланган шахс		Ф.И.О.:	Холмуродова Ирода Абдурасуловна	Лавозими:	Ижрочи директор	Тел.:	99-919-05-86	Электрон почта манзили:	
Масъул этиб тайинланган шахс											
Ф.И.О.:	Холмуродова Ирода Абдурасуловна										
Лавозими:	Ижрочи директор										
Тел.:	99-919-05-86										
Электрон почта манзили:											

“Киритилди”
 “TURON BILIM YURTI” НТМ
 раҳбари


 Шосаидова
 М.У

